

ISSN 2181-4791

**IMOM BUXORIY XALQARO  
ILMIY-TADQIQOT MARKAZI**

IMAM BUKHARI INTERNATIONAL  
SCIENTIFIC RESEARCH CENTER



**№2  
2022**



# IMOM BUXORIY SABOQLARI

*Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-  
adabiy jurnal*

*Spiritual and educational,  
scientific-literary journal*



2022-YIL –

**INSON QADRINI  
ULUG'LASH VA FAOL  
MAHALLA YILI**

## Ушбу сонда:

**Шовосил ЗИЁДОВ, Ўқтамбек СУЛТОНОВ.** Тошкент қозиси Шарифхўжа Подшоҳхўжа ўғли кутубхонаси.....3

### ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

**Музаффар КОМИЛОВ.** Фикҳ – ислом ҳуқуқининг мустақил теократик сиёсий тизимлар ҳуқуқи сифатида шаклланиши.....5

الدكتور محمد أمين الزهراوي , عبدالباسط ممداليوف . أصول الفقه ومدارس البحث فيه.....9

**Муҳаммадолим МУҲАММАДСИДДИҚОВ.** Марказий Осиё давлатлари ижтимоий-сиёсий жараёнларига сиёсий исломнинг таъсир этиш тарихи.....13

**Хабибулло САГДИЕВ.** Исломда пайғамбарлар мавқеи.....15

**Баҳодир ПИРМУҲАМЕДОВ.** Исломшуносликда «Маъруза (муходара) илми»нинг шаклланиши ва ривожланиши.....17

**Бехзодбек СОИПОВ.** Модернизация жараёнининг сиёсий ислом фаоллашувига таъсири.....18

**Жонибек ЖУМАЕВ.** Ўзбекистон диний бағрикенглик борасида намуна.....20

**Феруза РАББИМОВА.** Футувват таълимоти Ғарб ва Шарқ олимларининг талқинида.....22

**Ильгиз СУНГАТУЛЛИН.** Имущественные привилегии женщин в исламской правовой системе.....24

**Анвар ХАМИТОВ.** Взгляд Мусы Бигиева на сунну как источник шариата.....26

**Салават НУРТДИНОВ.** История как исламская наука: Марджани и Ибн Халдун.....28

### АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

**Мавжуда ГУЛАМОВА.** Комил муршид – Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий.....30

**Фаррух ТЕМИРОВ.** Садриддин Айний тадқиқотида бухоролик адиблар.....31

**Абдумажид АБДУМАННАТОВ.** Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ғояларидан таълим тизимида фойдаланиш.....33

**Ислом ҲАМДАМОВ.** Тасаввуф таълимоти ва Мирзо Улуғбек.....35

**Обиджон ХУРСАНДОВ.** Самарқанд Ҳадис ва Калом илми мактабларининг ижтимоий аҳамияти.....37

**Айтмамат КАРИЕВ.** Бурхануддин Маргинанийдин аль-Хидая атту эмгегининг укук илимине таасири.....39

**Қодирхон МАҲМУДОВ.** Имом Термизий фикҳ ижтиҳод мактабларининг намояндalarидан биридир.....40

**Маҳфузахон ЖАЛОЛДИНОВА.** Саҳиҳул Бухорий асарида ижтимоий ҳимояга оид ҳадислар.....41

**Rahmatjon TO'RAQULOV.** Qisasi Rabg'uziyning tabdili masalalari ("Qissai Idris alayhissalom" misolida).....43

### НОДИР МАНБАЛАР

**Отабек МУҲАММАДИЕВ.** Алоуддин Усмандий асарларининг жаҳон кутубхона фондларидаги қўлёзма нусхалари.....45

**Фахриддин ИБРАГИМОВ.** “Кичик тиб қонуни” асари ҳақида.....49

**Барот АМОНОВ.** “Саҳиҳул Бухорий”га қадар ҳадисшуносликда ёзилган ҳадис тўпламлари.....51

**Равшан ЭЛМУРОДОВ.** “Тилбатут талаба” асарининг ёзилиш тарихи, услуби ва қўлёзма нусхалари.....54

**Ирода ДАУРБЕКОВА.** “Саҳиҳул Бухорий” – устоз ўғити билан яратилган асар.....55

### ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

**Боқижон МАТБОБОЕВ, Хикматулла ХОШИМОВ, Зафар РАХМОНОВ.** Қутайба ибн Муслим мақбараси ҳақида янги маълумотлар (қадимшунослар мулоҳазалари).....58

**Шоҳистахон ЎЛЖАЕВА, Нодира РАҲМОНБЕРДИЕВА, Гўзал ТОШЕВА.** Сибирь Бухорийлари тарихидан.....61

**Шахноза ТУРСУНКУЛОВА.** Замонавий ўзбек санъатида тасаввуф мавзуси.....62

**Абдурасул БОЛТАЕВ.** Ўзбекистонда турғунлик йилларида мелиорацияга эътибор.....63

**Хусан ХУШВАҚТОВ.** Архив ҳақиқатлари.....66

**Марғуба ҚУРБОНОВА.** Ўзбекистон Республикасида тил тараққиётининг янги даври ва ижтимоий тарихий аспекти.....68

**Акбар НАЗАРОВ.** Самарқанднинг Қорахонийлар даври жомеъ масжиди.....70

**Zulhumor KHASANOVA.** Refugees who arrived in the city of Tashkent, their arrangement and maintenance.....72

**Иzzатулло ШОЕВ.** Создание и деятельность «туземной» милиции в Туркестанском крае.....75

**Валижон АШИРОВ.** Аграр соҳадаги ўзгаришлар.....77

**Сарвар АБДУҚОДИРОВ.** Жиззах воҳаси гиламдўзлик нақшларида рамзлар таҳлилининг ўзига хослиги.....80

**Dilnavoz TAG'UYEVA.** XIX asr oxiri XX asr boshlarida jadidlar dunyoqarashiga ta'sir etgan omillar.....82

**Акбар ДАМИНОВ.** Амир Темурнинг авлиёлар ва дин пешволарининг мақбараларига вақф мулклари ажратишига оид баъзи маълумотлар (“Темур тузуқлари” мисолида).....85

**Muslimbek ALIJONOV.** Turkistonda jadidlar harakatining rivojlanishi va unda Go'zi Yunusning tutgan o'rnini.....86

**Дилноза ЖАМОЛОВА.** Бухоро амирлигида хотин-қизлар: исломий анъаналар ва кийиниш масаласи (Домла Икром асари асосида).....88

## ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

Фарҳоджон ИСМАТУЛЛАЕВ. Янги Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан савдо-инвестициявий ҳамкорлигига доир.....	90
Нодира СУЛТОНОВА. Жамиятимизда гендер тенглик стратегияси ва имкониятлари.....	92
Shuxrat ОТАҚУЛОВ. Gender tenglik siyosatiga ijtimoiy va diniy munosabat.....	94
Гузаль ШАРИПОВА. Сравнительный анализ государственного устройства Малайзии и Объединенных Арабских Эмиратов.....	96
Xabibullo SADIBAKOSEV. Zamonaviy xalqaro munosabatlarga konseptual qarashlarning yangicha xususiyatlari.....	98
Баҳром БАХОДИРОВ. Ижтимоий сиёсат тушунчаси ва моҳияти.....	99
Азиз ЮЛДАШЕВ. Сиёсий институтлар давлат сиёсатининг самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида.....	101
Фарход ХАТАМОВ. Ижтимоий-сиёсий фанларда фуқаролик жамиятининг замонавий концепциялари таҳлили.....	103
Шухрат ТОШТУРОВ. Барқарор ривожланиш контекстида экологик муаммолар ва уларнинг ечимлари.....	105
Feruz Abdullayeva. Nasiriddin Tusiyning falsafiy qarashlarida davlat boshqaruvi masalasi.....	108
Нурали ШЕРАЛИЕВ. Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатларида Жанубий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигининг аффон масаласидаги қарашлар таҳлили.....	110
Юнусжон ИСОМИДДИНОВ. Ўзбекистонда коррупциянинг олдини олишнинг ижтимоий-фалсафий асослари.....	113
Алишер АХАДОВ. Национальные культурные центры – основа межнациональной толерантности.....	115
Ўктам ШАКАРОВ. Раҳбар ахлоқи мезонларининг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий асослари.....	117

## ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Садулла ОТАМУРАТОВ. Шарқ ва Ғарб цивилизацияларини туташтирган мутафаккирлар.....	121
Маърифат ХАНДАМОВА. Абу Райҳон Берунийнинг маърифатли жамият ҳақидаги қарашлари.....	125
Гулшода БЕКМУРОДОВА. Сиёсий деструкция ва унинг асосий хусусиятлари.....	127
Фируз МУЗАФФАРОВ. Имом Ғаззолийнинг “Мақосидул фалосифа” асари мундарижаси: мақсад ва вазифалари.....	129
Xurshida Ashurova. Milliy ma'rifatparvarlikning vujudga kelish omillari (ijtimoiy-falsafiy tahlil).....	132
Зойира НАДИРОВА. Илмий ижодда интуицияга муносабат.....	134
Наргиза ШОАЛИЕВА. Бедил ижодида инсон моҳияти.....	135
Ҳусан МУҲАМАДИЕВ. Фазо ва вақтда имконият ҳамда виртуаллик муаммоси.....	138
Раъно КАРИМОВА. Мустақиллик фалсафаси – мамлакатимиз мустақиллигини таъминлашнинг методологик асоси.....	140

## ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Феруза ХУДЖАҚУЛОВА. Мафкуравий онг ва унинг ижтимоий онг тизимида тутган ўрни.....	142
Зайниддин МАМАТОВ. Ўзбекистонда демократик ислохотлар ривожидида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласи.....	143
Ёркин ШУКУРОВ. Умумтаълим мактабларида таълим технологияларидан фойдаланишнинг долзарб масалалари.....	145

## МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Комилжон ШЕРМУХАМЕДОВ. Миср Араб Республикасида экстремизм ва терроризм таҳдидига қарши курашиш йўллари.....	147
--	-----

## БИР ҲАДИС ШАРҲИ

Соғлиққа зарар етказувчи ва атрофни ифлос қилувчи нарсалардан қайтариш.....	150
---	-----



Memorial complex of Imam Bukhari \ Мемориальный комплекс Имама Бухари

таъсирини юмшатиши мумкин. Қонун ҳокимияти чекланган бўлса-да, қонундан устун ёки уни эътиборга олмайдиган ҳокимиятдан кўра ишончлироқдир...": "Ҳар қандай ҳолатда, – деб ёзади Г.Маркузе, – марказлашган ҳокимият ва тўғридан-тўғри демократиянинг ўзаро бирлашиши ривожланиш даражасига монанд равишда чексиз жузъий ўзгаришларда ўзини намоен қилиб туради" [6:43-47].

Америкалик социолог ва футуролог, саноатлашувдан кейинги жамият концепциясининг муаллифларидан бири Элвин (Олвин) Тоффлер (1928 йилда тугилган): "Яқин келажакда ташкил этилиши режалаштирилаётган институтларда диний ва шунга ўхшаш гуруҳлар, глобал корпорациялар, атроф-муҳит ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳаракатлари ва бошқа шаклдаги фуқаролик жамиятлари қай даражада ифодаланади?" деган саволни ўртага ташлайди [7:566]. Ҳозирги даврда ўзида мустақил давлатни сақлаб қолишга уринаётган жамият оммавий компьютерлаштирилмаслиги керак. "Фуқаролик жамиятининг фаолият юритиши учун керагидан ортиқ нарсаларни мажбуран қабул қилдиришга ва тузумни абадийлаштиришга қаратилган тартиботлар бемаъниликдан бошқа нарса эмас", деб ёзади Э.Тоффлер.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Д.Гончаров. Нормативная дискуссия о гражданском обществе: Основные направления. – М.: 2010.
2. Walzer M. Concept of Civil Society – Walzer M., ed. Toward a Global Civil Society. Providence RI: Berghahn Books 1995.
3. G.Baker. Civil Society and Democratic Theory: Alternative Voices. 2002.

♦ **Аннотация:** Ушбу илмий мақолада фуқаролик жамиятининг концепциялари замонавий ижтимоий ва сиёсий фанлар доирасида тадқиқ этилган ва турли назарий ёндашув ва таҳлиллар асосида фуқаролик жамияти ва демократик тараққиётнинг ўзига хос жиҳатлари очиқ берилган. **Таянч сўзлар:** Фуқаролик жамияти, назарий ёндашувлар, институционализм, модернизация, демократик тараққиёт.

♦ **Annotation:** This scientific article examines the concepts of civil society in the context of modern social and political sciences. Based on various theoretical approaches and analyzes, specific aspects of civil society and democratic development are identified. **Key words:** Civil society, theoretical approaches, institutionalism, modernization, democratic development.

♦ **Аннотация:** В данной научной статье рассматриваются концепции гражданского общества в контексте современных социальных и политических наук. На основе различных теоретических подходов и анализов выявлены специфические аспекты гражданского общества и демократического развития. **Ключевые слова:** Гражданское общество, теоретические подходы, институционализм, модернизация, демократическое развитие.

## БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ КОНТЕКСТИДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

ШУХРАТ ТОШТУРОВ

Навоий давлат  
педагогика институти  
катта ўқитувчиси

Глобаллашган дунёда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш билан бирга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби умумбашарий вазифалар ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Халқаро, минтақавий ва миллий даражада тизимли чора-тадбирларни кечиктирмасдан амалга ошириш, борган сари кескин тус олаётган экологик муаммоларни бартараф этиш зарурати кун тартибидаги асосий масалага айланди.

Экологик муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, салбий ҳолатларни тузатишга ижобий тарзда ёндашиш, табиат қонунларини ҳисобга олиш, экологик муаммоларни фан-техника ютуқлари асосида ҳал қилиш ҳозирги куннинг кечиктириб бўлмас вазифаларидир.

Тадқиқотчилар глобаллашув шароитида иқтисодиётни барқарор ривожланишига хавф соладиган бта замонавий таҳдидларни санашади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Жаҳонда давом этаётган иқтисодий молиявий инқирозлар.
  2. Кучайиб бораётган экстремизм, терроризм ва наркотик моддалар савдоси.
  3. Мамлакатда мавжуд коррупцион ва хуфёна иқтисодиёт элементлари.
  4. Ишчи кучининг давлатлараро ҳаракати (миграцион таҳдид).
  5. Жаҳонда рўй бераётган ҳар хил урушлар (ҳарбий, сиёсий, ижтимоий, маънавий, иқтисодий).
  6. Экологик муаммолар [1].
- Экологик муаммолар бўйича халқаро миқёсдаги

Жамиятшунос олимларнинг фуқаролик жамияти тўғрисидаги назарий қарашлари бир тизимга келтирилса, у ҳолда фуқаролик жамияти – бу жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, оилавий, миллий, маънавий, ахлоқий, диний, ишлаб чиқариш, шахсий ва нодавлат муносабатларининг мажмуаси бўлиб, эркин индивидлар, ихтиёрий равишда шакланган ташкилотлар ва фуқароларнинг турли органларнинг тазйиқлари, аралашилари ёки бир қолипга солишларидан қонунлар воситасида ҳимояланган жамиятдир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам ижтимоий-сиёсий ислохотлар янги босқичга кирган. Унинг асосини эса ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш ташкил этади.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, нодавлат, нотижорат ташкилотларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллиги ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, тараққиётнинг янги босқичида Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида "2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" қабул қилинган.

4. A.Arato. Civil Society Against the State: Poland, 1980-81. –Telos, 1981.
5. И.Валлерстайн. Конец знакомого мира: Социология XXI века. –М.: Логос, 2003.
6. Г.Маркузе. Эрос и цивилизация. –М.:1999.
7. Э.Тоффлер. Метаморфозы власти. Т.2. –М.: ООО «Издательство АСТ», 2002.

Рио-де-Жанейрода ўтказилган атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича БМТнинг Конференциясида маъқулланган. Унда сайёранинг ифлослиши, ресурсларнинг қисқариши муаммосини ҳал қилиш, бир сўз билан айтганда, келгуси авлодлар учун сайёранинг экологик салоҳиятини тиклаш кўзда тутилган. Шунинг билан олган ҳолда 1987 йилда БМТнинг атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича комиссияси “барқарор ривожланиш” концепциясини ишлаб чиқди. Унинг бош ғояси – атроф-муҳитга зарарсиз бўлган иқтисодий ўсишни таъминлаш [4]. 2000 йили Минг йиллик саммитида жаҳоннинг етакчи давлатлари БМТнинг Минг йиллик декларациясини қабул қилиб, унда Минг йиллик ривожланиш мақсадлари (МРМ) белгилаб берилганди.

Белгиланган мақсадлардан бири экологик барқарорликни таъминлаш бўлиб унда:

1. 2010 йили биологик хилма-хилликнинг йўқолишини камайтириш;

2. 2015 йили тоза ичимлик суви истеъмолдан маҳрум бўлган аҳолининг сонини икки баробарга камайтириш;

3. 2020 йили 100 миллион нафар қашшоқда кун кечирувчи аҳоли ҳаётининг фаровонлигини ошириш кўзда тутилган эди [5].

2002 йилда Йоханнесбургда (Жанубий Африка Республикаси) ўтказилган барқарор ривожланиш бўйича Бутунжаҳон саммити қабул қилган қарорга мувофиқ, 2005 йилнинг декабридан жаҳон ҳамжамиятининг барқарор ривожланишга ўтишига қилиниди [6]. 2012 йили Рио-де-Жанейрода (Бразилия) БМТнинг барқарор тараққиёт бўйича “Рио+20” номини олган Конференцияси бўлиб ўтди. Саммитнинг очилишида сўзга чиққан БМТнинг Бош котиби Пан Ги Мун инсоният янги даврга қадам қўётганини қайд этди. У 2040 йилга бориб дунё бўйича аҳоли сонининг 9 млрд.га кўпайишини ҳисобга олиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг эски модели ўз аҳамиятини йўқотганини таъкидлади. Маърузада 2030 йилда дунё аҳолисининг эҳтиёжи озиқ-овқатга 50 фоизга, электр қувватига 45 фоизга, сув захираларига эса 30 фоизга ўсиши таъкидланди. Буни амалга ошириш учун эса зудлик билан “яшил иқтисодиёт”ни жорий этиш зарурлиги айтилди [7].

2015 йил 25-27 сентябрь кунлари БМТнинг 200дан ортиқ давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этган Саммитда айнан Барқарор ривожланиш масаласи кун тартибига кўйилди ва яқин 15 йилга мўлжалланган тадбирлар режаси эълон қилинди. Бу мақсадларни БМТга аъзо барча давлатлар 2015-2030 йилларда амалга ошириши кун тартибига кири-тилди. Унда барча мамлакатларнинг етакчилари дунёнинг барча нуқтасида глобал муаммоларга батамом барҳам бери-ши кутилмоқда. Дастурнинг 13, 14 ва 15 мақсадлари Иқлим ўзгаришига қарши кураш, ер ва денгиз экотизимларини асраш деб номланган ва ҳозирги глобал тараққиёт даврида экологик вазиятнинг қанчалик даражада долзарб аҳамият касб этишини кўрсатади [8].

БМТнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Ўзбекистон 2015 йилдан 2030 йилгача бўлган даврда БМТ мўлжаллаган 17та мақсад ва 169та вазифадан иборат барқарор ривожланиш дастурини қўллаб-қувватлаб, барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича комплекс ишларни олиб боришини маълум қилди [9]. Барқарор ривожланиш мақсадларига (БМ) эришишда Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони [10] асосида қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси муҳим асос бўлди.

Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари БРМ мақсадларига тўлиқ мувофиқ келади. Ёки бошқача айтганда Ҳаракатлар стратегияси – бу БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистоннинг йўл харитасидир [11]. Ҳаракатлар стратегиясида глобал иқлим ўзгаришига, иқтисодиётда энергия ва ресурс сарфини камайтиришга, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этишга, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришга катта эътибор қаратилган [12]. БМТ Бош Ассамблеясининг 70-сон резолюцияси ва 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор

ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилиниб, барқарор ривожланиш мақсадларига доир миллий мақсад ва вазифалар тасдиқланди [13]. Бу қарорда экологик таҳдидлар ва уларнинг оқибатларига қарши курашиш бўйича тезкор чораларни қабул қилиш ва амалга ошириш назарда тутилган.

Экология соҳаси бўйича Ўзбекистонда қабул қилинган давлат дастурларида атроф-муҳитни келажак авлод учун муҳофаза қилишни таъминлаш ва табиий захираларни асраб-авайлаш, мамлакатимиздаги экологик муаммоларни ҳал этишда яшил иқтисодиёт ва қайта тикланувчи энергия каби устувор йўналишлар борасида кенг кўламли ишларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Аслини олганда экологик инқирознинг келиб чиқишига асосий сабаб иқтисодий ўсиш ва жамиятнинг истеъмолчилик салоҳиятининг ошганидир. Инсоннинг фаровонлигини экологик инқироз ҳисобига ошириш яқин келажакда ўзининг салбий оқибатларини кўрсатиши аниқ. Бироқ, сўнгги вақтда барқарор ривожланиш соҳасидаги тадқиқотчилар даромадларнинг ўсиши узоқ истиқболда атроф-муҳитга юк ўсишига олиб келиши муқаррар эмаслигини исботлашди. [14]. Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида экологик хавфсизлик, энергия самарадорлиги ва ресурс тежамкорлигининг юқори даражаси, тегишли инновацион талабни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга [15].

Вужудга келган глобал миқёсдаги экологик муаммонинг ягона ечими – бу экологик ва яшил иқтисодиётга ўтишдир. Яшил иқтисодиёт бу қувватни тежовчи буюмларни ишлаб чиқариш, муқобил энергиядан фойдаланиш, атмосферага захарли газларни чиқармайдиган, электр қуввати билан юрадиган транспортдан фойдаланиш, сувни тежаш, тупроқ унумдорлигини оширишда кимёвий моддалардан фойдаланмаслик ва ҳоказо.

Мутахассисларнинг фикрига кўра мавжуд экотехнологиялардан самарали фойдаланилса электр қувватини 2 баробарга, 2025 йилга келиб автомобиллар ёқадиغان ёнилғини 50 фоизга тежаш мумкин экан [16]. Аксинча доимгидек ресурсларни кенг жалб қилиш эвазига иқтисодиёт ва бизнес юритилса, 2050 йилга бориб углерод икки оксиди (CO<sub>2</sub>)нинг миқдори атмосферада 65 гигагоннага етиши башорат қилинган. Агар зарур чора-тадбирлар амалга оширилса, карбонат ангидриднинг атмосферадаги ҳажми камайди ва ўртача ҳарорат 2050 йилга бориб 2°C дан ортмайди. Акси бўлса, ўртача ҳарорат 5°C га ортиб кетади [17]. Шу сабаб бугунги кунда АҚШ, Жанубий Корея, Германия, Швеция, Дания, Голландия ва бошқа дунёнинг ривожланган мамлакатлари босқичма-босқич яшил иқтисодиётга ўтмоқда.

Ўзбекистонда 2023 йилнинг якунига қадар умумий қуввати 1 096,6 МВт бўлган 4та қуёш фотоэлектр станциясини ишга тушириш эвазига атмосферага ташланмаларни сезиларли даражада камайтириш режалаштирилган. Жиззах ва Самарқанд вилоятида ҳар бирининг қуввати 220 МВтдан 2та ва Сурхондарё вилоятида қуввати 456,6 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси қурилади.

2021 йилнинг август ойида Навоий вилоятининг Кармана туманида республикадаги биринчи 100 МВт қувватли қуёш фотоэлектр станциясининг ишга туширилиши натижасида йилига 80 млн. метр куб табиий газ иқтисод қилинди ва атмосферага 160 минг тоннага яқин буғ газлари ташланишининг олди олинди. Таъкидлаш жоизки, республикада йилига қарийб 1,0 млн. тонна ташланмалар турғун манбалардан атмосферага чиқарилиб, унинг 20 фоиздан ортиғи энергетика соҳасига тўғри келади [18].

Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаси ҳисобланган шамол электрстанцияларини қуриш орқали аҳолининг энергияга бўлган эҳтиёжини қондириш ва атроф-муҳитга бўлаётган зарарни камайтириш борасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Чунки, Ўзбекистонда шамол станциясини қуриш учун мўлжалланган ҳудудларда шамол кучининг кўрсаткичлари дунёдаги мавжуд шамол станциялари жойлашган ердаги ўртача кўрсаткичдан юқори. Экспертларнинг фикрича, бир йилдаги 8760 соатдан

Ўзбекистондаги шамол электр станциялари 3900 соатида тўлиқ қувват билан ишлай олади.

Навоий вилоятининг Томди туманида 500 мегаватт қувватга эга шамол электр станциясини қуриш бўйича БААнинг Масдар компанияси билан ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Бухоро вилоятининг Ғиждувон ва Пешку туманида умумий қуввати 1000 мегаваттга тенг шамол электр станцияларини қуриш ишлари Саудия Арабистонининг ACWA Power компанияси билан биргаликда амалга оширилади. Бундан ташқари Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикасининг Бе-руний ва Қораўзак туманида 100 МВт қувватга эга шамол электр станциясини қуриш лойиҳалари амалга оширилди. Жами бўлиб Ўзбекистонда 2030 йилга бориб 5000 Мвтга тенг шамол энергетикасини яратиш бўйича истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда [19].

Инсониятнинг энергияга бўлган эҳтиёжининг кескин ўсиб бориши натижасида унинг экологияга зарари ҳам ортиб боради.

Ўзбекистоннинг бугунги кундаги электр энергиясига талаби 69 млрд кВт/соат. Унинг деярли 85 фоизи табиий газ ва кўмир билан ишловчи ИЭСлардан, 15 фоизи ГЭСлардан олинади. Электр энергияси ишлаб чиқариш учун 16,5 млрд/куб метр табиий газ, 86 минг тонна мазут, 2,3 миллион тонна кўмир ишлатилади. Ўзбекистонда АЭС қурилиши энергетика балансидаги углеводород хиссасини камайтиришнинг ягона йўлидир [20]. Ўзбекистонда атмосферага чиқариладиган углеводород миқдори бошқа энергия манбаларига (кўмир ёки газда ишловчи) нисбатан жуда кам бўлган атом энергетикасига ўтиш орқали мавжуд экологик муаммоларни ечиш ҳар томонлама долзарб бўлиб қолмоқда. Шу сабабдан хавфсиз атом энергиясидан фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 февралдаги “2019-2029 йилларда Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4165-сонли Қарори [21] қабул қилинди.

XX асрнинг сўнгги чораги ва XXI асрнинг бошидаги энг йирик экологик муаммолардан бири – бу Орол денгизининг қуриши ва унинг ҳалокатли оқибатидир. Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик ҳалокатнинг оқибати нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё минтақасидаги, балки глобал миқёсдаги муаммога айланиб улгурди. Бу экологик фожеанинг салбий оқибатларини юмшатиш бўйича Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 23 сентябрда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюцияни қабул қилишни таклиф этди [22]. БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида бу резолюция бир овоздан қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 мартдаги 149-сон Қарорига асосан “Оролни қутқариш Халқаро жамғармасининг Нукус филиали” ташкил этилди [23]. Оролбўйи минтақаси

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. К.М.Мисиров. Глобаллашув шароитида замонавий таҳдидлар ва экологик муаммолар// “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2017.
2. [https://ru.wikipedia.org/wiki/ Специализированные\\_учреждения](https://ru.wikipedia.org/wiki/Специализированные_учреждения)
3. S.M.Phikashoy. The paradigm of sustainable development of the agrarian sphere // Economic bulletin Of the Rostov state university. 2005. Т. 3. № 1.
4. M.Isadjanov. "The sustainable development goals: priority directions and actual tasks //”The light of islam: vol. 2018: iss. 1, article 20. <https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1019&context=iaa>
5. Саммит тысячелетия. [https://ru.wikipedia.org/wiki/ Саммит\\_тысячелетия](https://ru.wikipedia.org/wiki/Саммит_тысячелетия).
6. Йоханнесбургская декларация по устойчивому развитию. [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/declarations/decl\\_wssd.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/decl_wssd.shtml)

бўйича Ўзбекистон Республикаси Сенатида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси ташкил этилди. 2001 йилга келиб Орол денгизининг ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатиш мақсадида Орол денгизининг қуриган тубида 2 млн. гектарда яшил қопламалар барпо этилди. Худудни саксовулзорга айлантириш мақсадида ўрмон хўжаликлари 2021 йилда 734 тонна уруғ, 15 млн дона кўчат тайёрлади [24]. Бу ҳаракатлар қум ва туз бўронларининг камайишига олиб келди. Бир туп ўрта ёшли саксовул дарахти ўз илди-зи билан 10 тоннагача қумни ушлаб қолиши мумкинлигини мутахассислар ўрганган. Шунингдек, 2 ёшли саксовулзорда шамол 20 фоизгача, 6 ёшли саксовулзорда 80 фоизгача пасаяр экан. 7 ёшли саксовулзорда шамол умуман тўхтаб, атмосферанинг чанг-қум ва туз билан ифлосланиши 6 баробарга камайган экан. Бир гектарда 4 ёшли саксовул-черкез ўрмонзори бир йилда 1158 кг. ис газини ютиб, 835 кг. кислород ажратади [25]. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, экспертларнинг фикрига кўра, дов-дарахтлар Ўзбекистон бўйича 8% ни ташкил этади. Жаҳон стандартига кўра эса кўкаламзорлаштирилган майдонлар 30% бўлиши лозим [26]. Бу статистик рақамнинг ўзи ҳали бу борада қилинадиган ишлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда Орол муаммосининг оқибатларини барта-раф қилиш ва мавжуд хавф-хатарларнинг олдини олиш бо-расида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Оролбўйи минтақаси учун БМТнинг инсон хавфсизлиги бўйича кўп то-монлама шериклик асосидаги Траст фонди тузилди.

Таъкидлаш керакки, бу Ўзбекистон дипломатиясининг муҳим ютуқларидан бири бўлди. Бироқ Орол ва Оролбўйидаги мураккаб экологик вазият, аҳоли генофондини муҳофаза қилиш, саломатлигини яхшилаш ва бу ҳудудда барқарор ри-вожланиши таъминлаш муҳимлигича қолмоқда.

Ҳозирги глобал дунёда долзарб ва мураккаб масалалар-га илм-фан орқали ечим топиш энг оқилона йўллардан би-ридир. Оролбўйи минтақасида энг замонавий инновация ва технологияларни жорий қилиш ва уни БМТ доирасида мах-сус резолюция орқали амалга ошириш, минтақа мамлакатла-ри ва бошқа давлатларнинг қарашларини умумлаштиришда катта аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий ва глобал миқёсдаги муаммоларни жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда ҳал этиш лозимлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Дунё давлатларини ўзаро мулоқот, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка чорлаш, уларнинг куч ва имкониятларини бирлаштириш лозим. Бу борадаги энг долзарб масалаларни баҳамжihat ҳал қилиш масалалари БМТнинг 2015 йилга қадар қабул қилган Минг йиллик ривожланиш мақсадларида, 2016 йилдаги барқарор ривожланиш мақсадларида (БРМ) ўз ифодасини топди. Зеро, мамлакатимиз экологик таҳдидларни бартараф этишда жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликини мустақкамлашда, яшил иқтисодиётга ўтиш орқали экологик муаммоларни имкон қадар камайтиришда илдам давом этади.

7. С.И.Плеханов. Солнце – это жизнь, а не батарейка. Хи-мия и жизнь, №8 стр. 2012.

8. [https://unfoundation.org/what-we-do/issues/ sustainable-development-goals/u-s-leadership-on-the-sdgs/?gclid=Cj0KCQiAosmPBhCPARIsAH0en-PcAZ7hrOObegGJgKrd6gXPgc-Z2xWBVKMmrCr8zIPiMr\\_ ceRwfCz8aAoM0EALw\\_wcB \(27.01.2022\)](https://unfoundation.org/what-we-do/issues/sustainable-development-goals/u-s-leadership-on-the-sdgs/?gclid=Cj0KCQiAosmPBhCPARIsAH0en-PcAZ7hrOObegGJgKrd6gXPgc-Z2xWBVKMmrCr8zIPiMr_ ceRwfCz8aAoM0EALw_wcB (27.01.2022))

9. Ўзбекистан поддерживает цели устойчивого развития ООН до 2030 года. [https://www.trend.az/casia/uzbekistan/2438516.html \(30.09.2015\)](https://www.trend.az/casia/uzbekistan/2438516.html (30.09.2015))

10. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

11. А.Саидов. М.Усманов. Стратегия действий – это дорожная карта Узбекистана по реализации Целей устойчивого развития ООН // Общественное мнение. Права человека. – Т.: 2017. № 3.

12. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 07.02.2017 yildagi PF-

4947-son. <https://lex.uz/uz/docs/-3107036>

13. 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 20.10.2018 йилдаги 841-сон. <https://lex.uz/docs/4013356>

14. G.M.Grossman, A.B.Krueger. Environmental impact of a North American Free Trade Agreement // NBER Working paper, 3914. 1991. С.Михалищев, Ю.Раскина. Экологическая кривая Кузнецца: Случай России. [https://eu.spb.ru/images/ec\\_dep/wp/Ec-03\\_15.pdf](https://eu.spb.ru/images/ec_dep/wp/Ec-03_15.pdf).

15. Н.В.Пахомова, К.К.Рихтер, Г.Б.Малышков. Инклюзивный устойчивый рост: Приоритеты, индикаторы, международный опыт, потенциал согласования с моделью реиндустриализации // Проблемы современной экономики. – 2014. – № 3 (51).

16. UNEP, 2011, Towards a Green Economy: Pathways to Sustainable Development and Poverty Eradication, (предварительный вариант), <http://www.unep.org/greeneconomy>

17. The World bank. "Development for climate change". Washington. Annual Report 2010. P.15.

18. <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekistonda-4-ta-quyosh->

fotoelektr-stantsiyasi-ishga-tushiriladi (26.01.2022)

19. <http://invest.gov.uz/uz/mediacenter/news/prospects-for-the-development-of-total-generating-capacity-of-wind-energy-up-to-5-000-mw-by-2030-are-being-studied-in-uzbekistan/>

20. [https://uza.uz/uz/posts/ozbekistonda-atom-elektr-stanciyasining-ishga-tushirilishi-dolzarb-muammolardan-biridir\\_249418](https://uza.uz/uz/posts/ozbekistonda-atom-elektr-stanciyasining-ishga-tushirilishi-dolzarb-muammolardan-biridir_249418) (16.03.2021)

21. <https://lex.uz/docs/4194034>

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/3851> (23.09.2020)

23. <https://lex.uz/ru/docs/5337748>

24. <https://xs.uz/uzkr/post/qancha-aholining-ichimlik-suvitaminoti-yakshilangani-ochiqlandi> (23.01.2022)

25. Орол муаммоси – дунё муаммоси. Уни жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда бартараф этамиз. <https://xs.uz/uzkr/post/orol-muammosi-dunyo-muammosi-unizhahon-hamzhamiyati-bilan-birgalikda-bartaraf-etamiz> (25.05.2021)

26. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/12/03/eco/> (3.12.2021).

♦ **Аннотация:** Мақолада глобаллашув шароитида БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадларига оид Ўзбекистоннинг экология соҳасидаги долзарб масалалари ўрганилган. **Таянч сўзлар:** Замонавий таҳдидлар, иқлим ўзаришлари, экологик муаммолар, Орол муаммоси, яшил иқтисодиёт, минг йиллик ривожланиш мақсадлари, барқарор ривожланиш.

♦ **Annotation:** The article deals with topical issues of the UN Sustainable Development Goals in the field of ecology in Uzbekistan in the context of globalization. **Key words:** Modern threats, climate change, environmental problems, Aral Sea problem, green economy, Millennium Development Goals, sustainable development.

♦ **Аннотация:** В статье рассматриваются актуальные вопросы Целей устойчивого развития ООН в области экологии в Узбекистане в условиях глобализации. **Ключевые слова:** Современные угрозы, изменение климата, экологические проблемы, проблема Аральского моря, зеленая экономика, Цели развития тысячелетия, устойчивое развитие.

## NASIRIDDIN TUSIYNING FALSAFIY QARASHLARIDA DAVLAT BOSHQARUVI MASALASI

FERUZA ABDULLAYEVA  
Buxoro davlat universiteti  
katta o'qituvchisi

**К**о'п asrlar davomida tabiiy va gumanitar fanlar tarixida o'zining fundamental asarlari bilan mashhur bo'lgan ensiklopedist Olim Nasiriddin Tusiyning nomi jahon ilm-fanida tanilgan mashhur olimlar Ibn Sino, Forobiy, Beruniy, Bahmaniyor va boshqalar bilan bir qatorda turadi.

XIII asrda Marog'a observatoriyasining alloma tomonidan qurilishi uni dastlab Sharqda, so'ngra esa Yevropada mashhur qildi. Bu observatoriya jahon ilmining rivojlanishi va muvaffaqiyatlarga erishishi uchun katta turtki bera oldi.

Nasiriddin Tusiyning to'liq ismi Muhammad ibn Muhammad ibn Hasan bo'lib, u 1201-yil 18-fevralda tug'ilgan. Alloma Eron yaqinidagi Tus shahrida tug'ilgani sababli Tusiyning nomi unga qo'yilgan taxallusdir. Faylasufning yoshligi Tus shahrida o'tdi. Dastlabki bilimni u o'z otasidan olgan. Uning otasi Muhammad ilg'or shaxslaridan bo'lib, o'z zamonasining taniqli fiqhshunos va ilohiyotchisi edi. Nasiriddin Tusiyning o'zining yoshligi va o'smirligi haqida shunday xotirlaydi: "Mening tarbiyam asosan shariat qonunchiligini yaxshi bilgan islom ilohiyotchilari ta'sirida o'tgan. Mening qarindoshlarim o'sha davr ilm-fanida taniqli mashhur shaxslar bo'lgan. Otam meni faqat shariat qonunchiligini o'rganish bilan cheklanib qolmasdan, boshqa fanlarni ham chuqur o'rganishga da'vat etgan edi" [1:14]. Otasining qo'l ostida tarbiya va ilm olgan faylasuf yosh bo'lishiga qaramay Qur'on, morfologiya va sintaksis ilmini chuqur egalladi. O'smirlilik davri Nishopurda o'tgan Nasiriddin Tusiyning tabiiy fanlardan matematika, arifmetika, geometriya va algebra fanlarini o'zlashtirdi.

Mutafakkir yunon, arab, hind ilmi va falsafiy ta'limotlarni ham chuqur o'zlashtirgan. U o'zining falsafiy qarashlarida yunon faylasuflaridan Evklid, Ptoleme, Aristotel, Platon, Suqrotning asarlari haqidagi fikrlarni tilga olganini uchratish mumkin [2:6].

Nasiriddin Tusiyning otasidan keyin Baxmaniyor va Ibn Sino maktabining ustozlari saboq bergan. Tarixiy manbalarda allomaga ustozlik qilgan shaxslarning nomlari saqlanib qolgan.

Jumladan, Nasiriddin Tusiyning birinchi ustozlari Faxriddin Domodiy (Faxraddin Damadi) bo'lgan bo'lsa, ikkinchi ustozlari Qutbiddin Misriy (Gutbetdin Misri), uchinchi ustozlari "Zij Akbar al-Hakimi" katalogining muallifi Kamoliddin Yunus bo'lgan [3:96].

Nasiriddin Tusiyning hayoti va ijodini o'rgangan eron tadqiqotchisi Iqbol Yag'moiyning so'zlariga qaraganda, Xoja Tusiyning astronomiya, fiqh, falsafa, kalom, mantiq fanlarini chuqur o'zlashtirgani natijasida o'z zamondoshlarining orasida "olim" deb tan olinganida hali 20 yoshga ham to'lmagan edi [4:41].

Nasiriddin Tusiyning ilm o'rganish maqsadida sayohat qilish Sharqda islom kutubxonalarining bir nechtasida bo'lgan va turli davlatlardan kelgan olimlar bilan uchrashgan.

XIII asrning birinchi choragida Eronning bir qismi Xulagiylar dinastiyasi bo'lgan mo'g'ullar hukmronligiga tushib qoldi. Mo'g'ullar Xurosonni egallab olgan vaqtda Xoja Tusiyning Nishopurda yashayotgan edi. Xulagiylar imperiyasining asoschisi Xulaguxon (1217-1265 yillar) bosib olgan hududlarga Janubiy Kavkaz, Eron, Afg'oniston, Turkiston, Iroq, Gurjiston va Kichik Osiyo hududlari tegishli edi [5:140].

Mo'g'ullar bosib olgan hududlarida vayronagarchiliklar sodir etib tinch aholining ko'pchiligini qatl etgan. Bunday vaziyatda ko'pgina olimlar va shoirlar o'zlari yashab turgan hududlarni tashlab ketishga majbur bo'lgan. Nasiriddin Tusiyning ham Nishopurni tark etib ismoiliylar hukmronlik qilayotgan Ko'histonga ko'chib o'tishga majbur bo'ladi. Alloma o'smirlilik davrida ismoiliylar ta'limotini yaxshi bilgan, chunki u o'sha vaqtlar mashhur tarixchi Shaxristoniyning shogirdi bo'lgan amakisining qo'l ostida tahsil olgan vaqtidayoq unda ismoilizm